Majburiy bepul nusxa
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 15 декабрь ЧОРШАНБА

№ 100 (12.320)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

«ЙИЛ АЁЛИ – 2010»

## ГЎЗАЛСИЗ, ФАОЛСИЗ, БЕҚИЁССИЗ

**Дунёда инсонга аввало эътибор, меҳр зарур. Ҳатто, тилсиз гиёҳу, жонсиз тошларга ҳам. Зеро, меҳр нури, қалб қўри забонсизга тил, совуқ тошларга ҳам жон бағишлайди.**

Инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган мамлакатимизда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар аввало, инсон учун, уни дунёга келтириб, вояга етказувчи аёл учун! Республика "Аёллар кенгаши" ўтказаётган "Йил аёли" танлови шундай тадбирлардан бири. Давлат ва жамият қурилишида муҳим ўрин тутувчи инсон омилига зарур бўлган оилавий бахт, хотиржамлик, шубҳасиз, аёлларимиз туфайли. Уларнинг нафақат оиладаги, балки жамиятдаги ўрни ва эътибори ҳам яна оилалар барқарорлигига хизмат қилади. Шунинг учун хотин-қизларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборни белгиловчи ҳар қандай тадбир давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Танловдан кўзланган мақсад оила, турмуш ташвишларидан ортиб, жамоат ишларида ҳам фаолликни ихтиёр этган интеллектуал салоҳиятли, зукко, доно аёлларимизни кашф этиш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашдан иборат. Бугунги кунда ушбу танловда иштирок этувчилар 3 мингдан ошиб кетди.

Янгийўл туманида бўлиб ўтган "Йил аёли" танловида шаҳар ва туман босқичларида сараланиб, вилоят босқичига етиб келган 9 нафар оқила, зукко аёллар ўз маҳоратлари билан томошабинларни мафтун этишди. Уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Оддий уй бекасидан тортиб, каттагина жамоани бошқараётган раҳбар аёлларгача иштирок этган танловнинг муҳим жиҳати шуки, улар аёл-она, севимли ёр, шифокор, ўқитувчи, тикувчи, маҳалла маслаҳатчиси, спортчи, мураббий сифатида ўз иқтидор, маҳорат ва лаёқатларини иштиёқ билан намоён эта олдилар.

– Бугунги тадбирни бир қарашда, ҳар соҳада илғор аёллар – ғолиблар танлови десак адашмаймиз, – деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон юрист аёллар ассоциацияси раиси, профессор Жамила Шермуҳамедова. – Шунинг учун ҳар бир иштирокчини алоҳида фазилати билан номлашни лозим кўрдик. Негаки, танловда иштирок этишнинг ўзи катта бахт.

(Давоми 2-бетда).




СУРАТДА: вилоятимизнинг энг фаол аёли, шифокор Саида Мирзараҳимова.

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани алоҳида таъкидланди.**

Юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бугун жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфияти ва мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига эътиборни янада ошириш орқали фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва эркинликларини таъминлашга бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А. Саидов, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимининг такомиллаштирилаётгани инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Фуқароларнинг мазкур миллий институтларга ишончи тобора ортмоқда. Омбудсман институтига 2009 йилда фуқаролардан ўн мингдан ортиқ мурожаат тушгани ҳам буни тасдиқлайди.

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган жуда пухта қонунчилик асослари яратилган, – дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жан-Мишель Дельмот. – Уларнинг ижросини таъминлаш борасида нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорликда фаолият юритаётгани, инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида алоҳида миллий институтлар тизими яратилгани эътиборга лойиқ. Президент Ислом Каримовнинг парламент қўшма мажлисида ушбу соҳаларни такомиллаштириш, жамоат назорати институтини ривожлантириш борасида илгари сурган ғояларининг амалга оширилиши Ўзбекистонда демократияни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари, бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари, ЕХҲТ, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ каби ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг ҳозирги босқичида ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатлар, давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасида геоахборот тизимларини жорий этиш ҳамда давлат кадастрларининг ягона тизимини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар, Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказишни хатлаш, фуқароларнинг муомала лаёқати бўйича нотариуслар фойдаланишини таъминловчи автоматлаштирилган тизимни яратиш концепцияси лойиҳаси, Давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш талаблари лойиҳаси ҳамда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йилги иш режаси муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Давлат кадастрлари ягона тизими яратилгани ҳақидаги ахбороти ва ундан фойдаланишни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан давлат кадастрларини юритиш бўйича фаолиятларини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари тингланди.

Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказишни хатлаш, фуқароларнинг муомала лаёқати бўйича нотариуслар фойдаланишини таъминловчи автоматлаштирилган тизимни яратиш масалалари бўйича Адлия вазирлиги таклиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан тақдим қилинган ушбу автоматлаштирилган тизимнинг яратиш концепцияси маъқулланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун давлат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни интерфаол тарзда кўрсатилишини йўлга қўйиш, республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш талаблари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Шу билан бирга, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йилги иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**ЎзА.**

**Алишер Навоий номидаги санъат саройида Ўзбекистонда Аргентина киноси кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

## МЕҲМОНДА АРГЕНТИНА КИНОСИ

"Ўзбеккино" миллий агентлиги ва Аргентина республикасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда юртимиз ва аргентиналик кино ижодкорлар, санъатшунослар, турли ижодий ва жамоат ташкилотлари, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз ва Аргентина халқи ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик риштаалари турли жабҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил равнақ топаётгани алоҳида қайд этилди.

Аргентина киноси кунлари доирасида ижодкорлар билан учрашувлар, янги фильмлар намойиши ташкил этилади. Уч кун давомида мутахассислар юзлаб Аргентина фильмлари орасидан энг сараларини, яъни "Бегона", "Хитойдаги Бар", "Унабку", "Дарахт", "Оскурдаги камера" ва "Қўриқчи" кабиларни танлаб, томошабинлар эътиборига ҳавола этишмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

## ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш асослари ва истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари, соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давлат тараққиётида замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Телекоммуникация тармоқларига илғор технологияларни жорий этиш, бу борадаги эҳтиёжни тўлиқ қондириш мақсадида мукаммал қонунчилик базаси яратилди.

Сўзга чиққанлар қайд этганларидек, телекоммуникация тармоғини реконструкция ва модернизация қилиш натижасида бугунги кунга келиб, мобиль алоқа, ахборот узатиш, халқаро интернет тармоғига уланиш, электр алоқа хизматлари сифат жиҳатидан сезиларли даражада яхшиланди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш умумий стратегик ислоҳотларнинг зарурий қисми эканлиги Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш даркорлиги алоҳида таъкидланди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

**Ўзбек Миллий академик драма театрида "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "Тошкент экологияси: менинг уйим – менинг шаҳрим" шиори остидаги кўрик-танловнинг 2010 йилги ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.**

## ОБОДЛИККА ҲИССАМИЗ

Бундан мақсад, пойтахтнинг ободонлаштириш ва "Махсустранс" бошқармалари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ишчи-хизматчиларининг меҳнатларини рағбатлантириш, соҳа ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш, кўп қаватли уйларнинг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш-тиклаш ишларида кенг жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларнинг иштирокини фаоллаштиришдир.

"Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа", "Энг намунали кўп қаватли уй", "Энг обод ҳовли (майдон)", "Энг намунали йўлак", "Махсустранснинг энг яхши экипажи" бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ҳамда ҳамкорларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**



ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН УЧУН

## ДЕПУТАТ БИЛМАГАН МАВЗУ ЙЎҚ

**Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.**

Ҳозир Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари бу таклифларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, долзарб бўлиб турган масалаларга бағишланган тегишли қонунларнинг лойиҳалари устида иш олиб боришаётир. Депутатлар бу билан чекланмай, маърузада баён этилган асосий қоида ва хулосаларни муҳокама этиш, Президент маърузасида баён этилган концепция моҳиятини аҳолига тушунтириш, бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот бериш мақсадида жойларда сайловчилар билан учрашувлар уюштиришмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев Паркент тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва талабалари учун ташкил этган тадбирлар қизғин мунозаралар руҳида ўтди.

Учрашувларда жойлардаги айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида фикр алмашилди.

Қатнашчилар пенсия тайинлаш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларни реал ҳаётий ўзгаришлар руҳи билан уйғунлаштиришга оид таклифлар киритишди.

– Қонунчилик палатасидаги фракциямизда Юртбошимиз таклифлари асосида қатор қонунларга ўзгартиришлар киритиш, давр талабларига мос янги қонунларни ишлаб чиқиш билан шуғулланяпмиз, – деди Шуҳрат Турсунбоев. – Масалан, болалар спорти, жисмоний тарбия бўйича янги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда, таълим тўғрисидаги қонунга қатор ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган.

**Абулфайз САИДАСҚАРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СУРАТДА: учрашув мунозараларга бой бўлди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ



# ФЕРМЕР АЁЛ МУАММОДАН ХОЛИ

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда кириб келаётган йилни юртимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб номлаш тўғрисидаги таклифи ҳеч шубҳасиз мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида бугун салмоқли ўрин тутиб келаётган мазкур соҳа вакиллари учун юксалишнинг янги босқичини бошлаб берди.**



Юртбошимиз маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва йўл-йўриқлар тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва изчил ривожлантириб боришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Бу фикрлар Ўртачирчиқ туманидаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган "Жамиятни демократлаштириш жараёнида фермер аёлларнинг ўрни" мавзуидаги ўқув-семинарда ўртага ташланди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, республика Фермер хўжаликлари ҳамда "Олима аёллар" уюшмалари вилоят филиаллари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятимиз туманларида фаолият юритаётган фермер аёллар, соҳа мутасаддилари, банк-молия тизими вакиллари ҳамда аграр тармоқ мутахассисларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, фермерлик ҳаракатига инновацион технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратишда имтиёзли тижорат кредитларидан самарали фойдаланиш каби бир қатор долзарб масалалар бўйича маърузалар тингладилар. Шунингдек, янги ташкил этилган "Шарафли миришкор аёл" фермер аёллар шўъба корхонаси фаолияти, мақсад-вазифалари ҳақида унинг раҳбари, қибрайлик фермер Гўзал Шукурова батафсил маълумот берди.

Анжуманнинг мунозара қисми эркин руҳда ташкил этилгани боис, иштирокчилар мутасаддилардан ўзларини қизиқтираётган саволларга аниқ жавоблар олдилар.

Семинар ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА:** семинардан сўнг фермер аёллар ўзаро фикр алмашмоқдалар.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

СЕМИНАР

# БАНКЛАРИМИЗ НУФУЗИ ОШАВЕРАДИ

**Ўзбекистон Банклар ассоциациясида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси", Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили учун қабул қилинадиган давлат дастурининг устувор вазифалари ҳамда давлатимиз раҳбарининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш масалаларига қаратилган семинар-йиғилиш ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳанинг етакчи олимлари, Марказий банк, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, тижорат банклари, кредит ташкилотлари раҳбар ва ходимлари иштирок этишди.

Семинарда концепциянинг мазмуни ва банк тизими ҳамда кредит ташкилотлари олдига қўйилган вазифалар ҳақида сўз юритилди. Таъкидландики, 2010 йилда 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш учун 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизини кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган бўлса, 2010 йил якунида 53 фоизга етиши кутилаётир.

Бу билан чекланмай, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш, молиялаштириш тартиб-қоидаларини соддалаштириш чора-тадбирларини белгилаш ва ижросини қатъий назоратга олиш зарурлиги айтилди.

Тадбирда 2011-2015 йилларда банк-молия соҳасини ривожлантиришнинг башорат кўрсаткичлари ҳамда республикада микромолиялаш ва молия соҳаларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида ҳар томонлама тушунтиришлар берилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

**Тошкентда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, ЕХҲТнинг юртимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ёшлар учун янгиликлар дастурини тайёрлашда тасвирга олиш ва видео-монтажнинг замонавий усулларига бағишланган амалий семинар бошланди.**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ҳудудий нодавлат телестанцияларнинг муҳаррир ва тасвирчилари, монтаж усталари иштирок этмоқда.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда тингловчилар телевизион техника ва ахборот, янгиликларга оид материалларни тайёрлашда жаҳон тажрибаси, операторлик, телемонтажнинг ўзига хос жиҳатлари билан атрофлича танишадилар.

**ЎзА.**

ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

# ҲАР БИР ФУҚАРО ҲИМОЯДА

**Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш – ҳукумат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Давлатимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлининг негизида кучли ижтимоий сиёсат ётиши амалий самара бермоқда.**

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳаётга салбий таъсир кўрсатувчи иллатларни имкон қадар камайтириш, кам таъминланган оилалар, етим ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Қарилик гаштини сураётган, шунингдек, ногирон ва кам таъминланган оилалар вакиллари учун нафақа таъминотини янада яхшилаш, пенсия жамғармаси маблағларини тўғри ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, соҳа мутахассислари малакасини ҳамда ишдаги масъулиятини оширишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қибрай тумани бўлими Ўзбекистон Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ташкилий тузилмасини шакллантириш тўғрисида"ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритмоқда.

Бўлим 21 минг 119 нафар пенсия ва нафақа олувчиларга хизмат кўрсатади.

Эътироф этиш керакки, пенсия тайинлашда ходимларимизнинг қонунийлик ва холислик тамойилларига амал қилишларини жиддий назоратга олганмиз. Хусусан, тақдим этилган ҳужжатлар қонунда кўрсатилган муддатлардан кечиктирмай кўриб чиқилмоқда. Масалан, 2010 йил 1 ноябрь ҳолатига бўлимда янги пенсия тайинлашни сўраб тақдим этилган 1062 ариза рўйхатга олинди. Шундан 369 та пенсия ишлари 10 кунлик муддатда, 693 таси 1 ойгача бўлган муддатда кўрилиб, тўловга чиқарилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳам белгиланган тартибга асосан йўлга қўйилиб, 15 та ёзма мурожаатга ўз муддатида жавоб қайтарилди, 193 та мурожаатга оғзаки тушунтириш берилди.

Бўлимда пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тайинлаш ва тўловга бериш бўйича махсус комиссия тузилган. Пенсия тайинлаш учун тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг 90 фоизи жойларга чиқиб текширилиб, далолатнома тузилмоқда.

Бўлим фаолиятидаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, 2010 йил давомида ўтказиладиган ўқув-машғулотлари режаси тузилиб, тасдиқланган. Масъул маърузачи мутахассислар шу режада белгиланган масалаларга оид техник ўқувлар ўтказишмоқда.

Ҳозирги кунда тўлов ва ҳисоб-китобларни банк пластик карточкалари орқали амалга ошириш кундалик ҳаётимизга кириб боряпти. Пенсионерларга қулайлик яратиш мақсадида бўлимда пенсия ва нафақаларни пластик карточка орқали тўлаш Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси кўрсатмаси асосида ташкил қилинган. Пенсия пуллари фуқароларнинг ёзма аризаси, банк билан фуқаро ўртасида тузилган шартнома асосида пластик карточкаларга ўтказилмоқда. Масалан, 380 пенсионернинг ноябрь ойи учун 32 миллион сўм пули шу йўл билан тўланди.

Хулоса қилиб айтганда, бўлим ўз фаолиятида инсон манфаатларига, аҳоли учун имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш масалаларига устувор вазифа сифатида қараётир. Зеро, инсон ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотлар инсон учундир!

**Абдуманноп ТОШПЎЛАТОВ,**
**Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қибрай туман бўлими бошлиғи.**

«ЙИЛ АЁЛИ – 2010»

# ГЎЗАЛСИЗ, ФАОЛСИЗ, БЕҚИЁССИЗ

– Вилоятимизда ҳар соҳада билимдон, оқила аёллар кўп, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – "Йил аёли" эса шундай аёлларимизни кашф этиш, уларнинг ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ҳақиқатан ҳам вилоятимизнинг "Энг фаол" (Гулноза Маматалиева), "Энг меҳрибон" (Тоҳира Исмоилова), "Энг жозибали" (Покиза Мамадалиева), "Энг ишбилармон" (Раъно Бобоева), "Энг мурувватли" (Гулнора Ёқубова), "Энг маҳоратли" (Адолат Зиёева), "Энг нафосатли" (Матлуба Ортиқназарова), "Энг маҳоратли" (Лайло Велиева) аёлларнинг чиқишлари йиғилганларга жўшқинлик, кўтаринки кайфият бағишлади.



Аммо, танлов ўз номи билан танлов. Кимдир ғолиб дея тан олиниши ҳам бор гап. Бундай шарафга ўзининг зукколиги, хушсурати, фидойилиги, жонкуярлиги билан томошабинлар, ҳакамлар ҳайъати меҳрини қозонган чирчиқлик шифокор Саидахон Мирзараҳимова сазовор бўлди. Саида кўптармоқли болалар тиббиёт маркази бош шифокори. Уч фарзанднинг онаси, марказда даволанаётган болажонларнинг меҳрибони, ғамхўри. Тажрибали шифокор, маданиятли, маънавиятли, саводхон раҳбар аёл сифатида танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қила олишига шубҳа йўқ.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрен шаҳар кенгаши шаҳардаги 17-умумтаълим мактабида ёшлар ижтимоий хизматлар маркази, шаҳар маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида шаҳар ИИБ профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар ўртасида волейбол ва футбол бўйича турнир ташкил этди.

Мусобақада 29 нафар вояга етмаганлар иштирок этди. Улар ҳамкорлар ва ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**


# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 18 январь соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.**



1. **ВХ-211** "Байтқўрғон масжиди – Пойабзал фабрикаси"
2. **ШИ-5** "ЎзКТЖМ – 8-кичик ноҳия"
3. **ШИ-10** "2-кичик ноҳия – Айланма"
4. **ШИ-15** "8-кичик ноҳия – 5-фермерлар уюшмаси"
5. **ВХ-218** "КСМ – Товоқсой қишлоғи"
6. **ШИ-15 й.т.** "Қорабоғ маҳалласи – Янги Жигаристон маҳалласи" (Ангрен ш.)
7. **ВХ-486 й.т.** "Келес ш. – Уч қаҳрамон – Шаҳристон – Минг ўрик АШБ"
8. **ВХ-487 й.т.** "Шўро бозори – Юнусобод 12-мавзе"
9. **ВХ-560 й.т.** "Тўлаби ф/у – Чилонзор буюм бозори"
10. **ВХ-561 й.т.** "Консерва заводи – Минг ўрик АШБ"
11. **ВХ-434** "Тўйтепа АББ – Оҳангарон АШБ"
12. **ВХ-327** "Тўйтепа АББ – Олмалиқ АШБ"
13. **ШИ-4** "Азотчи маҳалласи – Жалоир маҳалласи" (Азотчи томондан)
14. **ШИ-4** "Жалоир маҳалласи – Азотчи маҳалласи" (Жалоир томондан)
15. **ШИ-12** "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)" (ЎзКТЖМ томондан)
16. **ШИ-21** "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия" (ЎзКТЖМ томондан)
17. **ШИ-21** "3-кичик ноҳия – ЎзКТЖМ" (3-кичик ноҳия томондан)
18. **ШИ-19** "Чинор маҳалласи – Айланма"
19. **ВХ-460** й.т. "Шоимкўприк маҳалласи – Ширин АШБ"

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 13 январь соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 17 январь соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**


2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# ДАВРА ТЎРИДА ЁШ СИЁСАТЧИ

**Ёшларни сиёсий фаолиятга жалб этиш, уларнинг сиёсат ҳақидаги дунёқарашларини кенгайтиришда партияларнинг ўрни катта. Ҳозир барча партиялар қошида ёшлар қанотлари тузилган бўлиб, улар ёш авлод билан ишлаш, электоратнинг ёшлар қатлами орасига кириб боришини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг "Истиқбол" ёшлар қаноти тенгдошларини сиёсатшуносликка қизиқтириб, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятимиздаги бир неча таълим муассасаларида энг иқтидорли, давлат ва ҳуқуқ ҳамда жамият қурилиши асослари бўйича билимларини чуқурлаштиришга интилувчи ёшлардан иборат "Ёш сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар" клубларини тузишга ҳаракат қилаётир.

Олмалиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-ҳунар коллежида шундай клублар ўртасида навбатдаги викторина ва давра суҳбати ташкил этилди. Унда Пискент ва Оҳангарон туманлари ҳамда Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларидаги касб-ҳунар коллежларининг энг зукко вакиллари сиёсат ва ҳуқуқ бобида бир неча шартлар бўйича билимларини синаб кўришди. "Ёш сиёсатчи – келажак пойдевори" мавзусига бағишланган мусобақада вояга етмаганлар билан ишлаш ва улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда турли давлат ва жамоат ҳамда ёшлар ташкилотларининг ўрни ҳақида баҳс юритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ёшлар сиёсатининг инъикоси ва ёшлар учун қонуний кафолатланган кенг имтиёзлар яна бир бор ёдга олинди.

Билимлар мусобақасида Оҳангарон шаҳри вакиллари биринчи, Олмалиқ шаҳри жамоаси иккинчи, Оҳангарон тумани вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар ХДП вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**


# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2011 йил I чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

1. Биринчи навли ун махсулотидан нон
2. Иккинчи тоифали гўшт махсулоти
3. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти
4. Дудланган гўшт маҳсулоти
5. Товуқ тухуми Д-1
6. Мева шарбатлари (сок, компот)
7. Сметана 30 фоиз
8. Творог 18 фоиз
9. Пишлоқ 45 фоиз
10. Томат пастаси 30 фоиз
11. Карам
12. Помидор
13. Бодринг
14. Қуритилган мевалар
15. Хамиртуруш (дрожжи)

**Танловда қатнашиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар:**
Гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификат, корхона низомидан нусха, паспорт нусхаси, лицензия ҳамда солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.

**2010 йилнинг 25 декабрь кунига қадар таклифларингиз қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун тел: 150-94-64, 150-93-82.**
**Манзил: Тошкент ш., А. Темур шоҳкўчаси, 17-уй.**
**Тошкент вилояти ҳокимлигининг 3-қавати.**

ДАВРА СУҲБАТИ

# ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Ангрен шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳаётимиз кафолати" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўқувчи ва талаба ёшлар, ишчи-хизматчилар, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг фаоллари адлия идоралари мутахассислари, Тошкент давлат юридик институти олимларининг Асосий Қонунимизнинг қоидалари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, фуқароларнинг бурчлари ҳақидаги чиқишларини эътибор бериб тинглашди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**Об-ҳаво совий бошлаши билан иссиқлик таъминотига, хусусан, табиий газга бўлган эҳтиёж ортади. Шу боис, куз-қиш мавсумида аҳолига талаб даражасида иссиқлик етказиб бериш жойлардаги мутасадди ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди.**



# ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Вилоятда республика Президентининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010/2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, электр энергияси, табиий газ узатиш ва иситиш тармоқлари таъмирланиб, уларнинг мавсумда тўхтовсиз ишлашини таъминлаш чоралари кўрилди. Барча шаҳар ва туманларда бўлгани каби Олмалиқ шаҳрида ҳам газ тақсимлаш пунктлари созлиги кўрикдан ўтказилиб, ўтган йили газ босими қишда пасайиб кетган ҳудудлардаги муаммоларга чек қўйилмоқда.

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг "Олмалиқшаҳаргаз" филиали Юртбошимиз қарори асосида махсус режа ишлаб чиққан бўлиб, унинг ижросини назорат гуруҳи таҳлил этиб бормоқда. Газ босимининг пасайиб кетиши ҳамда носозликлар билан боғлиқ аҳолидан тушган мурожаатлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

– Биз 32 мингдан ортиқ истеъмолчини газ билан таъминлаймиз, – дейди "Олмалиқшаҳаргаз" корхонаси раҳбари Бахтиёр Жўраев. – Бу йил 131 та газ тарқатиш нуқтаси, юқори ва ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилди. Шаҳар аҳолиси, корхона ва ташкилот, таълим муассасалари ҳамда маданий-маиший иншоотларни куз-қиш мавсумида меъёрида ва узлуксиз табиий газ билан таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

**СУРАТДА:** уста Мақсуд Тожимуродов, чилангар Шаҳидулла Гузизулин.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

XXI аср ва дунё

## ТЕРРОРЧИНИНГ ВАСИЯТНОМАСИ

**Буюк Британия полицияси 13 декабрь, душанба куни Стокгольмда содир этилган иккита портлаш муносабати билан ўлимга маҳкум террорчининг уйида тинтув ўтказди.**

AFPнинг шу ҳақда тарқатган хабарида айтилишича, Таймур Абдул Ваҳоб Стокгольмда ўзини портлатиб юборишидан аввал, Буюк Британияда яшаган ва ўқиган. Бошқа хабарда келтирилишича, 1992 йилда Бағдоддан Швецияга ўтган. 2001 йилда ўқиш учун Буюк Британияга келган. Айрим маълумотларга қараганда, Абдул Ваҳоб Лондон яқинидаги Лутон шаҳрида сўнгги пайтгача яшаган. Ҳозир ҳам ўша уйда унинг хотини ва икки қизи яшамоқда.

13 декабрь куни SITE агентлиги Абдул Ваҳоб васиятнома ёзиб қолдиргани, унда "Ал-Қоида" террорчилик ташкилотига хизмат қилаётгани ёзилганини маълум қилди.

Стокгольмда юз берган портлаш оқибатида бир киши ўлган, икки киши жароҳатланган. Эртасига Shumukh al-islam сайти ўзини портлатган террорчининг исм-шарифи ва фотосуратини босиб чиқарди.

Шу кунгача бирорта ташкилот содир этилган портлашнинг жавобгарлигини ўз зиммасига олмади.

## НОМАЪЛУМ МЕРГАН ЎН КИШИНИ ЯРАЛАДИ

**Канаданинг Ванкувер шаҳри кўчаларидан бирида номаълум киши одамларга қарши ўқ узди. CBC News тарқатган хабарга кўра, оқибатда 10 киши яраланди. Улардан икки нафарининг аҳволи оғир.**

Аниқлик киритилишича, шифохонага 6 эркак ва уч аёл келтирилган. Яна бир ярадор шифохонага ётишдан бош тортган. Шу воқеа сабаб полиция бир неча кишини сўроқ қилган. Аммо, ҳеч кимга айб юкланмаган.

Юз берган жиноят юзасидан иш олиб бораётган терговчилар "ўқ узган шахс уюшган жиноятчилик билан алоқадор бўлиб, аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилган", деган фикрни айтдилар. Полиция маҳкамасида таъкидланишича, кейинги вақтда Ванкуверда бандитлик гуруҳлари анча фаоллашиб қолди.

НИГОҲ

# ЙЎЛДАН ЮРДИНГМИ, ҲАҚИНИ ТЎЛА!

**Шу йил март ойининг охирларида Душанбе – Чаноқ пулли автойўлнинг очилишига бағишланган расмий маросимда йўл ҳақи босиб ўтилган ҳар бир километр ҳисобидан тўланиши эълон қилинган эди.**

Йўл ҳақи ҳар километрига енгил ва юк (2 тоннагача юк кўтарадиган) автомашиналар, автобуслар (кўпи билан 19 ўринли) учун 30 дирам, ўртача (2 дан 7 тоннагача) юк автомашиналар ва йўловчи ташувчи (20 тадан 39 тагача ўринли) автобуслар учун 60 дирам, катта (7 дан 14 тоннагача) автомашиналар ва 40 дан ортиқ ўринли автобуслар учун 1,5 сомоний қилиб белгиланган. Махсус русумли ёки 14 тонна ва ундан кўп юк кўтарувчи автомашиналар 1,88 сомоний ҳақ тўлайди.

Албатта, пулли яъни ҳақ тўланадиган йўлларнинг бўлгани яхши. Бундай тажриба Россия ва Европанинг ҳамма ерида бор. Жумладан, Франция ва Швейцарияда ҳақ тўланадиган йўлдан юрганлардан 6 дан 10 еврогача пул олинади. Франциядан Италиягача бўлган 13 километрли тоннелни енгил автомашинада бир томонга босиб ўтган ҳайдовчи 30 евро атрофида ҳақ тўлайди. Масалан, Россияда йўлнинг Москвадан Воронежгача бўлган қисмини (30-40 км.) босиб ўтиш 25-30 рубл ёки 1 доллар туради.

Аммо, Тожикистон аҳолисининг бугунги турмуш даражаси ва айниқса, расмий ойлик иш ҳақини ҳисобга олганда, Душанбе – Чаноқ автойўлидан юриш жуда қимматга тушади. Лекин, начора, ҳозир мамлакатда ўша йўлнинг ўрнини босадиган бошқа автойўл йўқ.

Бу ўринда бир ҳақли савол туғилади: "Агар битта енгил автомобиль ҳаракати 70 сомоний (тахминан 16 АҚШ доллари)га тушаётган бўлса, юқоридаги тарифлар қайси ҳисобдан қабул қилинди? Ахир Тожикистонда энг кам бир ойлик иш ҳақи бундан салгина юқори холоску? Душанбе – Чаноқ йўлини қурган "Innovative Road Solution LTD" компаниясидагилар бу тарифларни Тожикистон иқтисодиёт ва тараққиёт вазирлиги белгилаб берганлигини маълум қилишди.

Шахсан мен йўллар пулли бўлиши тарафдориман. Аммо, бундай бош айланиб, кўз тинадиган даражада қиммат бўлиши керак эмас. Айтайлик, мен 200 километр йўл боссам, 120 сомоний тўлашим керакми? Ахир бу ноинсофлик-ку!

Тасаввур қилиб кўрайлик. Йўловчилар Хўжандгача машина буюртма қилдилар. Демак, ҳар бир йўловчи 150 сомонийдан тўлаши керак бўлади. Энди эса, 300 сомонийгача тўлашга мажбурлар. Бу ғирт ўғрилик эмасми ахир?!

– Яхшиси самолётда учган маъқул, – дейди Душанбедаги металлпрокат корхонаси ишчиси Толиб Саидов. – Лекин менга ўхшаганлар нима қилишади? Уйим Варзобда, ишхонам Душанбеда. Ҳар куни ишдан сўнг уйга қайтишим керак. Олаётган маошим йўл ҳақига ҳам етмайди.

Республика транспорт вазири Олим Бобоевнинг гапларига қараганда, бу йўл юқори фоизли кредит ҳисобига қурилган эмиш, энди кредитларни фоиз қўшимчаси билан қайтариш лозим эмиш. Ҳамон шундай экан, бундай "қиммат" кредитни олишдан аввал ўйлаб кўриш керак эмасмиди?

Пулли йўлларни қуриб, ишга тушираётган ҳар қандай мамлакат шундай муқобил йўл билан ҳам таъминлаб қўйиши керак, токи одамлар ихтиёрий танлаш имкониятига эга бўлишсин! Шунда йўл монополияси юз бермайди. Аммо, республикада бугунги кунда бундай муқобил йўллар йўқ. Варзоб аҳолиси жуда қийналаяпти.

Хўш, Матчоҳ тумани аҳолиси Хўжандга қандай қилиб ва қайси йўл билан боради? Истарафшон, Ганжи, Зафарободликлар-чи? Ахир улар Хўжандга элтиб сотаётган маҳсулотлари ҳисобига тирикчилик қилишаяпти-ку?!

**Ғафур КОМИЛИЙ.**
Цетр Азия.

ОГОҲЛИК

**Чирчиқ шаҳрида осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари жамоатчилик вакиллари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйган. Содир этилаётган жиноятларнинг таҳлили ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти кечқурун ва тунда юз беришини кўрсатаётганини ҳисобга олиб, уларни фош этиш учун кенг қамровли тадбирлар ўтказилаяпти.**

# ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЛОВ – ХАВФГА ҒОВ

ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими шахсий таркиби асосан "Максам-Чирчиқ" корхонаси, "Саноатқурилишбанк", "Миллий банк", "Ипотекабанк" шаҳар филиаллари каби бир қатор йирик муассасалар, шунингдек, турли иншоотлар ҳамда фуқаролар хонадонларини ишончли қўриқлаш, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бўлим қўриқлаётган объектларга замонавий техника воситалари ўрнатилиб, қўриқлаш пультига уланган.

2010 йилда ҳуқуқбузарлик, ташмачилик қилганлар ишлаётган корхона ва ташкилот раҳбариятига бир неча ахборотномалар юборилди. Жойларда учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Натижада, хонадонларни қўриқлаш бўлими пультларига топшириш ниятида мурожаат қилаётган фуқаролар кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Бўлим ходимларининг ҳушёрликлари натижасида қатор жиноятларни изи совумай очишга эришилмоқда. Ходимларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари сабаб, шаҳардаги "Ипотекабанк" филиалида юз бериши мумкин бўлган ўғирликнинг олди олинди. Номаълум шахс банк деразасидан кираётган вақтда ушланди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.**

# ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси ташаббуси билан Зангиота туманидаги Маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида "Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.**

Йиғилишда мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган суҳбат ва учрашувлар яхши самара бераётгани таъкидланди.

Қизғин савол-жавоблар руҳида кечган учрашувда коллеж ўқувчиларига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартириш ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни вояга етмаганларнинг қаровсизлиги, улар содир этган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилганлиги айтиб ўтилди.

Ҳар бир фуқаро аввало, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиб, ўзининг конституциявий ҳуқуқларини яхши билиши, амалдаги қонун талаблари доирасида ҳаракат қилиши, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноят юз беришининг олдини олишга хизмат қилиши лозим.

Зеро, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга эканлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳам ўз аксини топган.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**вилоят ИИБ ходими.**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

# ҲУШЁРЛИКНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК

**Инсоният тараққиёти қайсидир маънода олов билан бевосита боғлиқ бўлиб келган. У ўзининг фойдали жиҳатлари билан бирга, эҳтиётсизлик оқибатида вайроналик келтирувчи ҳамдир. Ҳаётимизда содир бўлаётган ёнғинлар тасодиф эмас, албатта.**

Барчага маълумки, қиш фаслида носоз газ ва электр қурилмалари сабабли ёнғинлар бирмунча кўпайди. Болаларнинг шўхлиги оқибатида ёки сигаретани ўчирмай ташлаб кетиш натижасида ҳам ёнғинлар чиқмоқда. Мисол учун пойтахтимиздаги "САР" авиакомпаниясининг самолёт қўниш йўлаги атрофидаги 800 квадрат метр майдонда ўриб ташланмаган хашак ёнган. Катта майдонда ёнғин чиқишига чекиб ташланган сигарета қолдиғи сабаб бўлди. Ўз ишининг устаси бўлган профессионал ўт ўчирувчилар ёнғинни тезлик билан бартараф этдилар.

Бундай хавфли жойда ёнғинга бепарво бўлиш, албатта, катта талафотларга олиб келиши ва оқибатда инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шунингдек, Файзиобод кўчасида истиқомат қилувчи 13 ёшли Бахтиёрнинг шўхлиги хонадонига катта зарар келтирди. У гугурт ўйнаб, дарпарданинг учига олов тутди. Натижада парда ёниб, бутун хонага тарқалди. Оқибатда хонадон жиҳозлари ва уйнинг том қисми ёниб кетди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари доимо ҳушёрлар. Лекин, биз хонадонингиз ҳеч қачон ёнғиндан талафот кўрмаслиги тарафдоримиз. Зеро, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал.

**Нодирбек ҚУДДУСОВ,**
**12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди алоҳида пост бошлиғи.**



# КОРХОНАДА ДАСТЛАБКИ ТАДБИР

**Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари "Женерал Моторс Пауэртрейн – Ўзбекистон" кучли агрегатлар ишлаб чиқариш корхонасида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"га бағишланган семинар-йиғилиш ўтказдилар.**

Зангиота туманида янги қурилаётган давлат аҳамиятига эга бу корхонанинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Семинар-йиғилиш икки босқичда ўтказилди. Биринчи қисмда ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркиби юз бериши эҳтимоли бўлган ёнғин ёки аварияларни бартараф этишга қаратилган жанговар ҳаракатларни, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш усулларини намойиш этишди, ёнғин юз берган вазиятда қурувчилар ва маъмурият бажариши зарур бўлган ҳаракатлар тушунтирилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари қурилиш-монтаж ишлари пайтида ёнғинга қарши талабларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш ва лойиҳа ечимлари билан боғлиқ муаммоларга қаратилган кенгайтирилган йиғилиш ўтказдилар. Унда "GMPT-Uz" ЁАЖ, "Uzog'irsanoatloyiha" ОАЖ, 12-қурилиш тресги раҳбарлари ва бошқа муҳандис-техник ходимлар қатнашдилар.

**Ўлмас МУЗАФФАРОВ,**
**вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходими.**

# ХОТИРА ТУРНИРИ ЯКУНИГА ЕТДИ

**Паркент тумани спорт мактабида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, халқ таълими бўлими, каратэ-до клуби ҳамкорлигида Ҳамлет Йўлдошев хотирасига бағишланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

Клубнинг 1995-2000 йилларда туғилган 80 нафар ўсмир-ёшлари ўзаро беллашишди. 2000 йилда туғилганлар ўртасида тумандаги 3-мактаб ўқувчиси Муҳиддин Салоҳиддинов, 1999 йилда туғилганлар ўртасида Дониёр Дилмуродов, шунингдек, Аҳрор Қаййимқулов, Шаҳзод Қосимов, Даврон Шербоев, қизлар ўртасида Матлуба Неъматова фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Тадбир сўнгида ғолибларга мутасадди ташкилотларнинг эсдалик совғалари, диплом ва медаллар топширилди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КЕМАСИ ЧЎКИБ КЕТДИ

**AFP агентлиги Янги Зеландиянинг денгиз хизмати маълумотига таяниб берган хабарига кўра, Жанубий Кореянинг балиқ овловчи кемаси Антарктикада 13 декабрда ҳалокатга учради.**

Дастлабки, маълумотларда 4 киши ҳалок бўлгани, 8 киши бедарак йўқолгани, 20 киши қутқарилгани айтилган. Пусан портидан агентликка маълум қилишларича, кеманинг 42 кишилик экипажи асосан корейс, хитой, индонезия ва вьетнамликлардан иборат бўлган.

Кеманинг чўкиб кетгани ҳақида унга яқин ерда бўлган барча кемаларга хабар берилган, шунингдек, ҳалокат юз берган жойга Янги Зеландия Ҳарбий ҳаво кучлари самолёти юборилган. Шу билан бирга мамлакат денгиз хизматининг таъкидлашича, Жанубий Кореянинг чўккан кемаси фалокат ҳақида сигнал бермаган, бу хабар бошқа кемадан олинган.

Тирик қолганларнинг қандай қутқарилгани ҳам аниқ маълум эмас. Балки қутқарувчи қайиққа ўтиришган ёки бошқа кема уларни ўз бортига чиқариб олган деган тахминлар бор, холос.

## ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ – САЙЛОВ ҒОЛИБИ

**Косово демократик партияси етакчиси, мамлакат бош вазири Ҳошим Тачи 2008 йилда Сербиядан мустақил бўлиб ажралиб чиқилганидан сўнгги биринчи парламентга сайловларда унинг партияси ғолиб чиққанини маълум қилди.**

AFP агентлиги хабарига кўра, Ҳошим Тачи бўлиб ўтган сайловга мамлакат фуқаролари "демократик партиянинг оқилона бошқаруви"га ишонч билдирган референдум деб қараш лозимлигини айтди. Унинг фикрича, Косово аҳолиси европача келажакни танлади.

Демократик партия раҳбариятининг гапига қараганда, улар 31 фоиз овоз олган. Унинг яқин рақиби – Косово демократик лигаси "Гани Боби" инсонпарварлик тадқиқотлари институтининг тахминича, 25 фоиз овоз олади. Аммо, бу партия вакиллари 60 фоиз овоз билан ғолиб чиққанларини эълон қилишди.

Муддатидан илгариги парламент сайловлари Косово президенти Фатмир Сейдиу лавозимидан кетгандан сўнг белгиланганди. Уни мамлакат Конституциявий суди 2010 йил сентябрда истеъфога жўнатган эди. Суд Сейдиу бир вақтда партия бошлиғи ҳамда Косово президенти лавозимларини эгаллаб, конституцияга хилоф йўл тутди, деб ҳисоблади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Чилонзор туман ҳокимининг 08.02.2002 йилдаги 210-сонли қарорига асосан давлат рўйхатига олинган (СТИР 203880687) "AL-KANON" хусусий фирмасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"ZAFARXON" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ҳамда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Даъволар 228-00-06 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 186-мактаб томонидан 2004 йилда 9-синфни тугатган Бакаева Дилфуза Шавкатовна номига берилган U № 0978246 рақамли умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 11.11.2010 йилда № 002298-10 реестр рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 300000094) "SOFIYA-SAVDO-SERVIS" хусусий корхонасига тегишли бўлган бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП ООО "ARKADROM-SYSTEM" (ИНН 300615254), зарегистрированное в хокимияте Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, 1-й тупик Мукими, д. 7, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Бектемир тумани ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 18 мартда 0201427-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Махмудов Вохиджон Баходирович номига (СТИР 600875270) берилган бир дона оддий думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "GLOBAL-PROGRESS-STROY" уменьшает уставной фонд с 176935240 сумов до 2500000 сум и производит реорганизацию путем выделения в ООО "MEHR-AL". Претензии по тел.: 746-18-00.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2010 йил 11 декабрдаги 99-сонида чоп этилган "MERKAN TRADE" МЧЖнинг устав жамғармаси камайтирилиши тўғрисидаги ҳамда "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2010 йил 14 декабрдаги 142-143 (7760)-сонида чоп этилган "MERGAN TRADE" МЧЖ тугатилиши тўғрисидаги эълоннинг "MERKAN TRADE" ва "MERGAN TRADE" сўзлари "MERCAN TRADE" МЧЖ деб ўқилсин.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йилда "WHITE GOLD TEXTIL" хусусий фирмасига берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, оригинал устави, думалоқ муҳри ҳамда бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ҲИКМАТЛАР ДУРДОНАСИ

*Инсон нечоғлик зукко бўлса, у одамнинг сарасини топа олади. Ўртамиёна киши эса, яхши билан ёмоннинг фарқига бормайди.*
*Б. Паскаль.*

*Оқил киши замонадан шикоят қилмайди. Тўғри, замон расво бўлиши мумкин. Агар сен ўша ёмон давронни ўзгартира олмасанг, инсон деган шарафли номни кўтариб юрганинг бекор.*
*Т. Карлейль.*

*Тубан, пасткаш одамнинг кўзига бошқалар ҳам тубан бўлиб кўринади.*
*М. Лермонтов.*

*Одамийлик шевасидан йироқ, она юртининг қайғусига бегона, яқин хешларининг ғамини емайдиган ва ёлғиз ўз нафсини ўйлайдиган кимсадан Худонинг ўзи асрасин.*
*С. Шчедрин.*

*Инсоннинг ҳамма нарсаси гўзал бўлиши керак: юзи ҳам, кийимбоши ҳам, фикри ҳам, жону дили ҳам.*
*А. Чехов.*

*Агар ихтиёр менда бўлса, инсон зотини тузатиб бўлмайди, деган вайсақининг тилини узиб олардим.*
*Абай Қунонбоев.*

*Насли башар мураккаб бир мавжудот: бир қарасанг, у фариштадек беозор, бир қарасанг, ваҳший ҳайвондек ёвуз ва дилозор.*
*Р. Тагор.*

*Ҳар сафар хаёлимдан, мен инсонман, деган фикр ўтганда ўзимнинг нақадар буюк мавжудот эканлигимдан фахрланиб кетаман.*
*В. Жуковский.*

*Инсон инсонлигини унутганда у ваҳший ҳайвонга айланади.*
*Р. Тагор.*

*Номақбул ишни ҳатто хаёлан ҳам қилма.*
*Эпиктет.*

*Инсонни тубанликка гирифтор этувчи ҳам, юксакларга кўтарувчи ҳам унинг амалларидир.*
*Эзоп.*

*Ўзингга ва ўзгаларга бирон фойда келтирмай яшаш — ўлим билан баробар.*
*В. Гёте.*

*Олма пиш, оғзимга туш, деб осмонга қараб ётма, баракотинг учун ўзинг кураш.*
*Л. Толстой.*

*Дўстингни ёмон кунда синаб кўр.*
*Эзоп.*

*Башаранг хунук бўлса, бир амаллаб бекитарсан, аммо ёмон феъл-атворингни қандай яширасан?*
*Вольтер.*

*Жоҳил кимса истаган тариқатга қул бўлиб кетаверади.*
*Гераклит.*

*Ишлатилмаса, болта билан ўроқ ҳам занглайди. Кўлмак сув сасийди. Ақлингни ишлатиб турмасанг, у ҳам яроқсиз ҳолга келиши тайин.*
*Леонар до-Винчи.*

*Аксар одамлар хотирасидан шикоят қилади, лекин ақлидан шикоят қилган кимсани учратмадик.*
*Ф. Ларошфуко.*

*Ақлингни доимо озиқлантириб тур.*
*Л. Толстой.*

*Истакнинг ўзи камлик қилади, Унга яраша саъй-ҳаракат ҳам лозим.*
*В. Гёте.*

*Имкон қадар кўпроқ одамларнинг ҳожатини чиқарган киши дунёдаги энг бахтли инсондир.*
*Д. Дидро.*

**С. ҚАРНОҚЛИ тўплади.**



***— Янги меҳмон муборак!***

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

## ВО ДАРИҒ...

# ОҚ АКУЛАНИНГ ҚОРА ҚИЛМИШИ

**Дунёнинг энг машҳур дам олиш масканларидан бири бўлган Шарм ал-Шайх сиҳатгоҳи қишда мўътадил иқлими ва Қизил денгиз соҳилларидаги илиқ суви билан кўпчиликни ўзига тортади. Қишда мазкур масканда уч миллиондан ортиқ одам дам олади. Уларнинг кўпчилиги денгизда чўмилишни ёки қуёшда тобланишни хуш кўради.**

Шу кунларда мазкур дам олиш масканида таҳликали ҳолат ҳукм сурмоқда. Асосан денгиз тубида яшайдиган оқ акула соҳилда чўмилаётган сайёҳларга кетма-кет ҳужум қилаётир. Оқ акула ҳужумидан ўтган ҳафтада уч россиялик ва бир украиналик жабрланган бўлса, сешанба куни яна бир германиялик сайёҳ ҳалок бўлди. Соҳилда чўмилиш вақтинча тақиқланди.

— Соҳилда шовқин овози эшитилди, — дейди қаҳвахона ишчиси Муҳаммад Рашод. — Қарасам, бир оёғи қонга ботган киши денгиздан эмаклаб чиқиб келаётир. Сув қип-қизил қон эди. Шундан сўнг одамлар уни меҳмонхонага олиб киришди. Кўпчилик сайёҳлар ваҳимага тушиб, уйига қайтиб кетмоқда. Бунинг оқибатида сайёҳлик компаниялари катта зарар кўраётир.

Хабарларга қараганда, қонхўр акулани овлаш учун АҚШ ва Австралиядан овчилар чақирилган. Уни овлаш осон кечмаслиги аниқ, чунки узунлиги тўрт метрча келадиган оқ акулалар денгиз тубида яшайди.

Британияда жойлашган Океания илмий-текшириш маркази мутахассиси Ричард Пьернинг айтишича, оқ акулаларнинг соҳилда ов қилиши кутилмаган ҳолатдир. Илгари бундай акулалар томонидан инсонларга ҳужум қилиш ҳолати тўққиз марта кузатилган ва асосан очиқ денгизда содир бўлган. Оқ акулалар туна балиғи ва майда денгиз жониворлари билан озиқланади.

Сўнгги ўн йил ичида бу ерда сайёҳларни жалб қилиш мақсадида жуда катта қурилиш ишлари амалга оширилган эди. Натижада Қизил денгизнинг бой сув ости ҳайвонот дунёси муайян миқдорда зарар кўрди. Табиатан анча хотиржам оқ акуланинг сайёҳларга ҳужумлари инсон томонидан келтирилган мана шундай талафотларга қарши исён бўлса, ажаб эмас.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ, ЎзА.**

## ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР




Қош қорая бошлади. Қинғир-қийшиқ тоғ йўлида юриш қийинлашди. Манзилга ета олмаслигимиз аниқ эди.

— Кўп айтдим, бу кеча уйда тунайлик деб, — нолиди Алиакбар. — Кўнмадингиз. Мана оқибат: тун, тоғу-тош, олдинда Қўшранг дара ютаман дейди...

Алиакбар Бурчмулла ўрмон хўжалигида ишлайди. Ҳовлиси марказдаги қўрғонда. Кечки пайт Шўхсой этагига отланганимда, у йўлдан қайтарди. Ўша томонларда олма тераётганлардан тўрт кунки дарак йўқ. Ошиқишимнинг сабаби ҳам шу. Ўзим хўжаликда янги одамман. Ҳали бу атрофларнинг паст-баландини яхши билмайман. Шу боис Алиакбарни ҳамроҳ қилгандим.

Оҳиста боряпмиз. Ўнг томон тик жарлик. Йўл ўнгга бурилиб, тепаликка кўтарилди. Унинг ёнбошида милтиллаган чироқ кўринди.

— Илашбой уйида кўринади, чамаси, — деб қўйди Алиакбар шу уйда тунаб қолсак чакки бўлмасди, деганда.

Йўл юриш қийинлашиб борди. Ҳали изиллатиб турган шабада бирдан кучайди. Маслаҳатлашиб, шу хонадонда тунаб қолишни лозим кўрдик.

Илашбой ака асаларичи экан. Урунғоч кўлининг юқори томонида бошпана қуриб, қўним тутганига неча ўн йиллар бўлипти. Ҳамроҳимнинг айтишича, шу ерда туғилиб-ўсган қизи нанайлик ҳайдовчи йигитга узатилгач, невараликк бўлипти.

— Хотини Зебинисо билан яшайди. Қизини узатган йили бошига бир кулфат тушди-ю, якка-ёлғиз қолишди...

Уй эгаси Алиакбарни қорасидан таниди, ҳол-аҳвол сўрашиб, ичкарига бошлади. Чой устида суҳбат қизиб кетди. Илашбой ака асаларичилик, бу йилги оби-ҳаво, яқинлашиб келаётган қиш ғамидан гапирди.

— Мана, йигирма йилдан ошдики, тоғу тош кезаман. Очиғини айтсам, энди бу ерлардан кўнгил узолмайман. Нимасини айтай, яккаю ягона ўғлимни мана шу тоғга қўйдим...

Ўртага жимлик чўкди. Бироз тин олгач, Илашбой ака яна тилга кирди:

— Қиш охирлаб қолаётганди. Ботмонтошдан ўтиб, дарахтзор оралаб келаётувдим. Шу вақт увиллаган овоз эшитилди. Ўша томонга юрдим. Айиқ уясига кираверишда икки боласи беҳол ётарди. Уларни қўлга олдим. Совуқдан пўстинимга биқинишди-ю, жим бўлиб қолишди, жониворлар. Уйда Зеби айиқчаларни кўриб, севингандай бўлди, аммо:

— Бекор қилибсизда, жониворларни онаизоридан айириб, — деди.

Лекин Муроджоннинг айиқчалар теварагида ирғишлаб ўйнаши, майин жунларини силаши менга ёқиб қолди. Зебининг таънасига эътибор бермадим. Айиқчалар уйимизда қолди. Агар ўша паллада бу ишинг оилангга умрбод дард-алам келтиради, дейишса, очиғи, ишонмасдим.

Айиқчаларни олиб келган кунимнинг эртасига ишга бораётиб, Шўхсой этагида айиқ изини кўриб қолдим.

Кейинги куни улиган товушдан уйғониб кетдик. Уйимиз яқинида айиқ бўкираётганди.

— Бу — она айиқ, — хавотирланди Зеби. — Болаларини излаяпти. Уйимиздалигидан ис олган.

— Бўлмаган гап, — дедим бепарво. — Қандайдир оч айиқ бўлса керак.

Шу саҳар айиқ анча вақт уйимиз атрофида улиб юрди.

Қиш охирлари эди. Шаҳардан ҳайвон овловчилар келишди. Улар ҳар йили келиб, тоғ-тош кезишади, нималарнидир ёзиб-чизишади, кийигу, айиқларни дурбиндан кузатишади.

Бу қиш улар билан ёшгина бир йигит Иброҳим ҳам келди. Аспирантман, деди. Ўзбекистон тоғли районларининг ҳайвонларини ўрганаётганмиш. Уйимиздаги айиқчаларни кўрди-ю, хира пашшадек ёпишиб олди-қўйди. У қилди, бу қилди, қўярда-қўймай, охири мени кўндирди, айиқчаларни ўзи билан олиб кетди. Муроджон йиғлаб қолди. Зеби бўлса суюнди.

Эртасигами-индинигами, она айиқ ўкириб, бўзлаб, уйимизга яқинлаб келди. Чамаси, болаларининг иси йўқлигини сезиб қолди. Шу-шу уйимиз яқинида кечаси-ю, кундузи айланиб юрадиган бўлди. Безовталаниб қолдик. Зеби мени милтиқсиз эшикка чиқармай қўйди.

Баҳор яқинлашган кунларнинг бирида тонг саҳарда асаларилар уяси томон отландим. Эшикдан чиқаётганимда Муроджон этагимга ёпишиб:

— Айиқчадан яна олиб келинг, — деб ёлворди...

Илашбой ака жим бўлиб қолди. Йигирманчи чироқ ёруғида кўзидаги ёш ялтирарди. У бир хўрсиниб, гапини давом эттирди:

— Этагимни қўйиб юборгиси келмас, кўзимга мўлтиллаб қарарди. Онаси уни чақирди:

— Отангга ҳалақит берма, ишига борсин.

Иш чўзилиб кетди. Овқати тугаб қолган ари уяларига шакар қўйдим. Бир вақт ташқарига чиқсам, туман тарқабди. Уйга қайтдим.

Ҳовлига етиб келганимда, ҳаммаёқ тўс-тўполон эди. Нотаниш кишилар уйимиз атрофида ғўнғир-ғўнғир гаплашиб туришипти. Юрагим ўйнаб кетди. Ошиқиб ичкари кирдим. Зеби ёғоч каравотда ҳушсиз ётарди. Оқ халатли аёл чеккаларини нима биландир ишқар, ниманидир ҳидлатарди. Мени ҳеч ким пайқамади. Уйимга йиғилганлар мени танимаслигини кейинчалик билиб қолдим. Бир вақт Зеби кўзини очди. Бошида мени кўрди-ю:

— Мурoджо-о-он-нн, — деганича, яна ҳушидан кетди.

Шундагина доктор мени, мен эса, ўғлим йўқлигини пайқадим. Бир киши тирсагимдан ушлади. Бу ўрмончилик хўжалигининг участка бошлиғи эди. Ён хонага чиқдик. Биринчи эшитган гапим Муроджонимнинг изсиз йўқолгани бўлди. Далда бериб, эрталабдан буён қидиришаётганини, аммо ҳали топилмаганлигини айтди.

Туни билан теварак-атрофни қидирдик. Лекин Муроджонни тополмадик. Кечаси қалин қор тушди. Азон пайти Зеби оёққа турди. Бу кулфат уни адои тамом қилган эди. Кўзлари чўкиб кетган, чеҳраси сўлғин. Бошини сандиққа, деворларга уриб йиғлар, сочини юларди.

— Қуриб кетсин айиқ-пайиғларингиз, ўғлимнинг бошига етди шулар!

Ниҳоят, Зеби тинчланди. Уйдан кетганимдан кейинги воқеа тафсилотини айтиб берди:

— Кўрпа ямаётувдим. Мурод эшикка чиқди. Кўп ўтмади. Қичқириқни эшитиб, ташқарига отилдим. Нарироққа борсам, қорда излар. Айиқ изини кўриб қолдим.

Зеби яна йиғлашга тушди. Мен нима қилишимни билмай турганимда, эшигимиз ёнидаги сайхонликка вертолёт келиб, қўнди. Учувчи мени машинасига олиб, ҳавога кўтарилди. Яна айланмаган, қидирмаган жойимиз қолмади. Тўрт кўз бўлиб, Муроджонни излардик. Бўлмади, ўғлимни тополмадик.

Зебини қишлоққа жўнатдим. Кунлар исий бошлади. Ари уяларини ўрнатишга жой қидира бошладим.

Илашбой ака бўғма ёқа кўйлагининг тугмасини ечиб қўйиб, сўзини давом эттирди:

— Бир куни бизни ўртаб келаётган муаммо ечилди. Ўрмонни айлана-айлана уйга қайтаётганимда, шундайгина тоғ йўли ёқасида қорайиб турган бир нарсага кўзим тушди. Хаприқиб кетдим. Ўша томонга югурдим. Қайси кўзим билан кўрайки, бу менинг Муроджоним эди. Қор эриб, боши, елкалари очилиб қолганди...

Илашбой ака кўзёшларини тиёлмай, бир муддат энтикиб турдида, сўзини давом эттирди:

— Муроджоним тупроқ чангаллаб ётарди. Бошида қатор сочилган ёнғоқлари, Ўнг чаккаси қорайиб кетибди. Айиқ тирнамабди, эзғиламабди. Лекин болагинамнинг қонини сўриб олибди. Ҳолсизлантириб ташлаб кетибди.

Зебини қишлоқдан олиб келдим. Шу кун мен учун ҳам, Зеби учун ҳам дард, алам куни бўлди. Дардимиз янгиланди. Кўпчилик йиғилди уйимизга. Муроджонни Чўққитепа устига қўйдик...

Илашбой ака ўпкаси тўлиб кетганидан энтика-энтика бир нуқтага тикилиб жимиб қолди. Гап-сўзсиз, узоқ ўтирдик. Мен Илашбой акадан кўз уза олмай, унинг ғам-андуҳини юракдан ҳис этиб, жимгина ўтирардим. Яккаю-ягона ўғлини ерга қўйган, шунда ҳам тоғ бағрини тарк этмаган бу кишининг ирodasига, матонатига таҳсин ўқирдим.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

## БЕКАЖОН

### ТЕЗ ТАЙЁРЛАНАДИГАН САЛАТ

**Масаллиқ:** 200 г. майда картошка, 100 мл. ўсимлик ёғи, 1/2 қизил пиёз, 1/3 қизил қалампир, 1 ош қошиқ лимон шарбати, 350 г. сосиска, 1 боғ сельдерей, 50 г. қайнатилган лавлаги ва таъбга кўра туз, мурч.

**Тайёрлаш:** қайнатилган картошкани арчиб, тўғрайсиз. Ўсимлик ёғи, лимон шарбати, пиёз, қалампир қўшасиз, Сўнг қайнатиб тўғралган сосиска, қирғичдан ўтказилган лавлаги ва тўғралган сельдерейни аралаштирасиз.

### ШИРИН ПИРОГ

**Масаллиқ:** 250 г. ун, 250 г. тозаланган бодом, 8 та тухум, 250 г. қанд упаси, 1 та лимоннинг қуритилган пўсти ва меъёрда ванилли шакар.

**Тайёрлаш:** бодомни майдалаб, ун, тухум сариғи, қанд упаси, лимон қириндиси билан яхшилаб аралаштирасиз. Тухумнинг оқи кўпиртирилиб, сариғи билан аралаштирилади. Қолип ёғланиб, ун сепиб, хамир текис қуйилади. 180 даража қизиб турган газ печида 50 дақиқа давомида пиширилади. Тайёр пирог совутилиб, устига қанд упаси сепилади.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

*Бўйин терисига эътибор берилмаса, таранглигини тез йўқотади. Чунки тананинг бу қисмида қон айланиши яхши эмас. Унинг таранглигини тиклаш учун ҳафтасига 3 марта ўсимлик мойи билан уқалаб туриш керак. Илиқ ёғ бўйин терисига, айланма ҳаракатлар билан яхшилаб суртилади. Бундан ташқари, ёғли творогни юмшоқ матога қўйиб, бўйинга 10-15 дақиқа боғлаб қўйиш ҳам яхши натижа беради.*

• • •

*Ёғли терига қуруқ терига қараганда кўпроқ ҳуснбузар тошади. Ундан қутулиш учун алоэ баргларидан доривор лосьон тайёрлаб, кунига 3-4 марта суртиб туриш керак. Алоэ баргини қиймалагичдан ўтказиб, бир стакан сув солинади ва бир соат тиндириб қўйилади. Кейин масса қайнагунча, оловда тутиб турилади (қайнатилмайди) ва совутилади.*

# ЮЗҚАРОЛИК

## жиловланмаган нафс оқибатидир

Қинғирлик касб танламас экан. Хоҳ ўқитувчи, хоҳ банк ходими бўлсин, қинғир йўл билан даромад топишни кўзлаб, сўнгра юзи қора бўлганлар йўқ эмас ҳаётда. Яхшиямки, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда бўлса ҳам чиқади. Бўлмаса...

Бахтиёр Холов вилоят эндокринология диспансери бош шифокори муовини лавозимида тузуккина ишлаб юрганди. Шу орада бош шифокор меҳнат таътилига чиқадиган бўлиб қолди. Б. Холов эса унинг вазифасини вақтинча бажарадиган бўлди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида раҳбарнинг йўқлигини билдирмаслик, ходимларнинг бошини қовуштириш ҳамда ўз қобилиятини синаб кўриш ҳаракатида бўларди. Лекин у бундай қилмади. Вақтинчалик бўлган мансаб курсисидан фойдаланиб қолиш, аниқроғи, ўзига берилган ваколатни суиистеъмол қилишни кўзлади. Атиги уч кундан сўнг унинг қўлларига кишан солинди.

Воқеа бундай бўлганди. Хуршида Алиқулова ўқишни битириб, иш қидириб юрганди. Шунда у диспансернинг кадрлар бўлими бошлиғи Х. Туробовага учрашди. У эса, бу масалада бош шифокор муовинига мурожаат қилиш кераклигини айтди. Хуршида Б. Холовга учрашганида, унга ҳозирча иш ўрганиб юришлигини, кейинчалик буйруқ чиқарилишини айтди. Орадан уч ой ўтди. Хуршида Алиқулова ишга қабул қилиш масаласида кадрлар бўлими бошлиғига яна учрашди. У эса ишга кириши учун муовин 400 минг сўм сўраётганини етказди. Қиз бу гапни эшитиб, гангиб қолди. Ота-онасининг бунча пул беришга қурби етмасди. Раҳбарнинг бундай ноқонуний ҳаракати унинг дилини вайрон қилди. Охири, ўйлай-ўйлай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этишга мажбур бўлди.

Лекин суд жараёнида Бахтиёр Холов "Хуршида Алиқулова ва унинг онаси ишга кириш учун пул таклиф қилишганини, лекин у бу иш билан фақат бош шифокор шуғулланишини, агар ишга қабул қилинса, кейинчалик диспансернинг таъмирлаш ишларига моддий ёрдам бериши мумкинлигини айтганман", дея ўз жиноятини хаспўслашга уринди. Ҳатто, "400 минг сўмни шифохонанинг таъмири учун олганман, бундан ҳеч қандай манфаат кўзламаганман", деган баҳоналарни ўйлаб топди.

Суд ўз ҳукмини ўқиди. Айбдор 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




ООО "OLVIA ASIA" (ИНН 300854789, ОКПО 22430310) Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 73 027 500 сумов до 3 340 139,45 сумов.
Тел.: 215-54-87.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Оқ-тепа кўчаси, 15-уй, 15-хонадонга тегишли Инагамова Наргиза Иркиновна номига берилган инвентарь план йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "COFFEE AND TEA WORLD" Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 300763221), сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 890 633 500 сум до 2 812 538 000 сум. Тел.: 235-91-69.

ЧП "FAYZIYEVA MALIKA MARKETING" Шайхантахурского района г. Ташкента (ИНН 301500373, ОКПО 23128205) сообщает о добровольной самоликвидации предприятия (решения собственника № 1 от 13.12.2010 г.).
Претензии принимаются по телефону: 150-83-44.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Шоҳруҳ ҲАКИМОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 5282. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 1234